

МАЪРУЗАЛАР БЎЙИЧА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛ

“Маъмурий жавобгарлик”

Маъруза мавзуси: Аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик

Маърузачи: Р.С.Алтиев

1. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг асосий мақсади:

Маърузада “Маъмурий жавобгарлик” модулининг 9-мавзусини ёритишга мўлжалланган режадаги “Енгил тан жароҳати етказиш. Санитария қонун ҳужжатларини бузиш. Эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш. Радиацион хавфсизликка доир қоидалар, нормалар, йўриқномалар ва бошқа талабларни бузиш. Гиёвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш. Таносил касаллиги ёки ОИВ касаллиги/ОИТС юқадиган манбани яшириш. Таносил касаллигига ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга учраган шахсларнинг текширишдан бўйин товлаши. ОИВ касаллиги/ОИТС юққан-юқмаганлигини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтказишда, шунингдек тиббий ва косметик муолажаларни ўтказишда хавфсизликни етарли даражада таъминламаганлик.” ҳақидаги асосий тушунчаларни бериш ва талабаларда мазкур ҳуқуқ институтлари ҳақида тегишли билимларни шакллантиришдан иборат. Маъруза жараёнида мавзуга доир муаммоли масалалар юзасидан савол-жавоблар ўтказилади, амалиёт таҳлил қилинади, муаммоли масалалар бўйича тарқатма материаллардан фойдаланилади.

Маъруза натижасида талаба:

- маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлиш имкониятига эга бўлади;
- маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли моддий ва процессуал қонун нормаларини қўллай олиш кўникмасига эга бўлади;
- ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш, қонунларни амалётга қўллай олиш тайёрлаш кўникмасига эга бўлади;

2. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- ✓ Маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ✓ Маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мазмуни ҳақида тушунча берилади;
- ✓ Мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ✓ Режа асосида слайдлар ёрдамида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик тушунтирилади;
- ✓ Мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ✓ Муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- ✓ Зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;

- ✓ Асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага якун ясалади.

3. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

- **Тухмат** – била туриб ёлғон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиш ҳисобланади.
- **Ҳақорат қилиш** – шахснинг шаъни ва кадр-қимматини қасддан камситиш ҳисобланади. Ҳақорат шахсга салбий баҳо беришдан иборат бўлиб, атрофдагилар олдида унинг маънавий нуфузига путур етказишдан, жабрланувчининг ўзига бўлган ҳурматга зарар етказишдан иборат.

4. МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик” бобида тухмат (40-м.), ҳақорат қилиш (41-м.), Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (42-м.), фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (43-м.), ҳужжатлар билан танишиб чиқишни асоссиз равишда рад этиш (44-м.), фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш (45-м.), фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш (46-м.), болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик (47-м.), ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик (47-1-м.), ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузиш (47-2-м.), васийлик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш (48-м.), меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (49-м.), вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни бузиш (49-1-м.), маҳаллий меҳнат органлари томонидан юборилган фуқароларни ишга олишдан бош тортиш (50-м.), меҳнатга мажбурий тарзда мажбурлов (51-м) учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

Тухмат – била туриб ёлғон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиш ҳисобланади. Мазкур ҳуқуқбузарликни содир этиш орқали фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматига тажовуз қилинади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасига биноан ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Тухмат ҳуқуқбузарлигининг диспозитсиясида назарда тутилган “била туриб ёлғон” ва “уйдирма” тушунчаларининг мазмуни шундан иборатки, ҳуқуқбузарликни содир этган шахс гўё рўй берган маълумотлар (фактлар)ни ҳеч бўлмаганда битта шахсга оғзаки, ёзма ёки бошқа шаклда маълум қилади, ушбу маълумотларни тарқатувчи шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслигини билади.

Маълумотларни тарқатувчи шахснинг мазкур маълумотлар тўғри бўлиши мумкин, деб тахмин қилиши жавобгарликдан озод етмайди.

Тухмат тўғридан-тўғри ғаразли ният билан, аксарият ҳолларда ўч олиш мақсадида, кўролмаслик ёки бошқа ҳоллатларда содир этилади.

Ушбу ҳуқуқбузарликнинг:

объекти – шахснинг шаъни ва кадр-қиммати;

объектив томони – била туриб ёлгон бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатишга қаратилган ҳаракат (туҳмат ҳуқуқбузарлиги ҳаракатсизликдан содир этилиши мумкин эмас);

субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо шахс;

субъектив томони – қасд (мазкур ҳуқуқбузарлик эҳтиётсизликдан содир этилиши мумкин эмас, чунки шахс била туриб шахснинг шаъни ва кадр-қимматига тажовуз қилади).

Туҳмат ҳуқуқбузарлигини содир этиб маъмурий жавобгарликка тортилган шахс (маъмурий жавобгарлик муддати ўтмасдан) томонидан ушбу ҳаракатни қайта содир этилиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 139-моддасида назарда тутилган жиноий жавобгарликни юзага келтиради.

Ушбу ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш ЎзР МЖТКга биноан маъмурий ишлар бўйича судяси ваколатига киритилган.

Ҳақорат қилиш – шахснинг шаъни ва кадр-қимматини қасддан камситиш ҳисобланади. Ҳақорат шахсга салбий баҳо беришдан иборат бўлиб, атрофдагилар олдида унинг маънавий нуфузига путур етказишдан, жабрланувчининг ўзига бўлган ҳурматга зарар етказишдан иборат.

Ҳақорат турли усулларда, масалан, ёзма ёки оғзаки ёхуд турли ҳаракатларда (тарсаки бериш, беадаб имо-ишоралар ва ҳ.к.лар) ифодаланган бўлиши мумкин.

Ҳақорат қилиш туҳмат ҳуқуқбузарлигига жуда яқин бўлса-да, ундан фарқ қилади. Масалан, ҳақорат қилишда жабрланувчининг маънавий қиёфасини салбий тасвирловчи қандайдир фактлар кўрсатилмайди, балки шахсга салбий баҳо берилади. Бу салбий баҳо ҳақиқатга тўғри келиши ёки келмаслиги ушбу ҳуқуқбузарлик учун аҳамиятли эмасдир.

Ҳақорат қилиш ҳуқуқбузарлигининг:

объекти – шахснинг шаъни ва кадр-қиммати;

объектив томони – шахснинг шаъни ва кадр-қимматини камситишга қаратилган ҳаракат (ушбу ҳуқуқбузарлик ҳаракатсизликдан содир этилиши мумкин эмас);

субъекти - 16 ёшга тўлган ақли расо шахс;

субъектив томони – қасд (мазкур ҳуқуқбузарлик эҳтиётсизликдан содир этилиши мумкин эмас, чунки шахснинг шаъни ва кадр-қиммати қасддан камситилади).

Ҳақорат қилиш ҳуқуқбузарлигини содир этиб маъмурий жавобгарликка тортилган шахс (маъмурий жавобгарлик муддати ўтмасдан) томонидан ушбу ҳаракатни қайта содир этиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 140-моддасида назарда тутилган жиноий жавобгарликни юзага келтиради.

5. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:

- Туҳмат.
- Ҳақорат қилиш.
- Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш.
- Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш.
- Ҳужжатлар билан танишиб чиқишни асоссиз равишда рад этиш.
- Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш.
- Фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш.
- Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик.
- Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик.
- Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузиш.
- Васийлик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш.

- Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш.
- Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни бузиш.
- Иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслиги.
- Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш.
- Маҳаллий меҳнат органлари томонидан юборилган фуқароларни ишга олишдан бош тортиш.

6. МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Тухмат деганда нимани тушунасиз ва унинг юридик таркибини кўрсатиб беринг?
2. Ҳақорат қилиш деганда нимани тушунасиз ва унинг юридик таркибини кўрсатиб беринг?
3. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш нималарда намоён бўлади?
4. Ҳужжатлар билан танишиб чиқишни асоссиз равишда рад этишнинг юридик таркибини кўрсатиб беринг?

7. МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 08.12.1992 й. қабул қилинган.
- 2) Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Ўзбекистон Республикаси 22.09.1994 й. 2015-ХИИ-сон Қонуни билан тасдиқланган.
- 3) Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабр Қонуни // ЎЗР ОМА, 2001, №1-2, 21-м.
- 4) “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 29.09.2010 й. ЎРҚ-263-сон Қонуни билан қабул қилинган // ЎЗР ОМПА, 2010 й.
- 5) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги 2000 йил 21 сентябр Қарори // ЎЗР ҚХТ, 2000, № 6, 99-модда.
- 6) Хамедов И. Административное право. Учебник.- Т.:УМЭД, 2004. – 234 с
- 7) Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурий ҳуқуқ: Бакалавриятнинг 5380100 - Юриспруденсия йўналиши талабалари учун дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев.– Т.: 2006.– 800 б.
- 8) Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / Х.Т. Одилқориев, И.Исмаилов, Н.Т. Исмаилов ва бошқ.; проф. Х.Т. Одилқориев ва Б.Е.Қосимовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010. – 640 б.
- 9) Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2008. – 608 б.